

# ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ

СамИСИ ўқитувчиси  
Шахноза Холмуратова

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада туризмни ривожлантиришда мулоқот маданиятининг аҳамияти, муаммолари ёритилган ва мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш истиқболлари илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** туризм, туризмда мулоқот, мулоқот маданияти, нутқ, нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг таъсирчанлиги

## АННОТАЦИЯ

В данной статье освещаются значение и проблемы культуры общения в развитии туризма, а перспективы дальнейшего развития туризма в нашей стране научно обоснованы.

**Ключевые слова:** туризм, общение в туризме, культура общения, речь, точность речи, точность речи, эффективность речи

## ANNOTATION

This article highlights the importance and problems of the culture of communication in the development of tourism, and the prospects for the further development of tourism in our country are scientifically substantiated.

**Keywords:** tourism, communication in tourism, communication culture, speech, speech accuracy, speech accuracy, speech efficiency

# ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ

СамИСИ ўқитувчиси  
Ш.А.Холмуратова

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари кўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг юксак маънавий қадриятларини асраб-авайлаш ва камол топтириш, асрлар давомида заминимизда шаклланган маънавий-маърифий меросни жаҳон халқлари маданияти билан уйғун ҳолда келажак авлодга етказиш, миллий маданиятимизнинг жаҳон маданиятида тутган бебаҳо ўрнини янада кенгайтириш ва тарғиб этиш мақсадида кўплаб сай ҳаракатлар қилинмоқда.

Мулоқот, мулоқот маданияти, инсон бу борликда мавжуд экан, тинимсиз атрофидагилар билан мулоқотда бўлади, у истайдими, йўқми?! Баъзида ёқтирмаган кишиси билан бир вагонда сафарга чиқиши ёки ҳеч қачон келиша олмаган ҳамкасби билан бир хонада йиллаб ишлашига тўғри келиши мумкин. Гоҳида кўргани кўзи йўқ одам билан шартнома тузишига ҳам тўғри келиб қолади. Ҳар нечук уларни доим бўлмасада тез-тез учратади. Инсон ўз яқинлари ва дўстлари билан мириқиб суҳбатлашади, бу шубҳасиз. Аммо жамиятдаги барча шахслар унинг дўстлари эмас-ку! Улар билан қандай суҳбат қуриш мумкин. Маданиятли шахс учун бу ҳеч қачон муаммо туғдирмайди.

Шу сабабли туризм фаолиятини олиб боришда ҳам мулоқот маданияти муҳим аҳамият касб этади. Айниқса нутқ ва нутқнинг тўғрилиги ва равонлиги.

Нутқнинг тўғрилиги. Нутқнинг тўғри бўлиши асосан икки меъёрга урғу ва грамматик меъёрга амал қилишни тақозо этади. Нутқ жараёнида маънони

тўғри англатиш учун сўздаги бўғин, гапдаги сўз урғусининг тўғри ишлатишига эътибор қилишимиз лозим бўлади. Нутқ урилишининг грамматик шакллари фарқлай олиш сўз-ларни мазмуний боғланишларига қараб жойлаштириш грамматик меъёрларни белгилар экан, нутқнинг тўғри ифодаланиши учун гап тузиш қодаларини ўзлаштириш, ўзак ва қўшимчалар ўртасидаги муносабатларни, эга-кесим мослигини, иккинчи даражали бўлақларнинг уларга боғланиш йўллари яхши англаш лозим бўлади.

Нутқнинг аниқлиги. Аниқлик ҳам нутқнинг асосий коммуникатив сифатларидан би-ридир. Агар тўғрилиқ нутқнинг юзага келишида фақат тил омили зарурий белгиси сифатида қаралса, нутқнинг аниқлиги дейилганда унинг шаклланишига хизмат қиладиган, тилдан ташқарида бўлган омилларни ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Бунда дастлаб тил ва тафаккур муносабати туради. Чунки, табиат ва ҳодисалар ўртасидаги мутаносиблик ва унинг нутқда акс этиши ана шу аниқликнинг худди ўзидир. Нутқнинг мантиқийлиги. Нутқнинг мантиқийлиги унинг асосий сифатлари – тўғрилиқ ва аниқлик билан чамбарчас боғлангандир. Чунки грамматик жиҳатдан тўғри тузилмаган нутқ ҳам, фикрни ифода этиш учун муваффақиятсиз танланган лексик бирлик ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир. Мантиқий изчилликнинг бузилиши тинг-ловчи ва ўқувчига ифодаланаётган фикрнинг тўлиқ бориб етмаслигига, баъзан умуман англашилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Нутқни шакллантиришдаги эътиборсизлик оқибатида баъзан мантиқсизлик ҳам юз беради.

Нутқнинг тозаллиги. Нутқнинг тозаллиги деганда унда тил элементларининг ишлатилишида адабий тил меъёрларига амал қилишқилмаслик тушунилади. Яхши, намунавий нутқ ҳозирги ўзбек адабий тилига, унинг талабларига мос ҳолда шаклланган бўлиши, турли ғайриадабий ва ғайрияхлоқий тил элементларидан ҳоли бўлиши керак. Чунки у бой маънавий-ахлоқий қадриятларга эга бўлган ва бугун мустақиллик даврида яшаб, дунё ҳамжамияти билан тенг мавқеда мулоқотда бўлаётган ўзбек халқининг маданий даражасига мос бўлиши лозим. Нутқнинг таъсирчанлиги.

Нутқнинг ижро этилишида унга маълум бир воқеа-ҳодиса ҳақи-да маълумот беришдан ташқари яна бир мақсад – тингловчи онгига ва руҳиятига таъсир этиш вазифа қилиб қўйилади. Шунинг учун ҳам таъсирчанлик нутқнинг асосий сифатларидан бири саналади ҳамда тўғрилиқ ва аниқлик ҳам, мантиқийлик ва тозалик ҳам суҳбатдошга, тингловчига ёки ўқувчига таъсир этишига қаратилган бўлади. Бу санаб ўтилган хусусиятларда тил омиллари биринчи ўринда турса, уларнинг барчасидан фойдаланган ҳолда таъсирчанлик кенг доирада тилдан ташқаридаги омилларни ҳам қамраб олади. Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳим саналади. Нутқнинг шахсларга қандай таъсир қилишида ва уларда қандай таассурот қолдиришида нотикнинг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, жест ва мимикалари, ҳатто кийиниши каби омилларнинг ҳам аҳамияти бор. Самимийлик, хушмуомалалиқ, одоблиқ, аудиторияга ҳурмат билан қараш каби фазилатлар нутқнинг тингловчилар томонидан эътибор билан тингланишига сабаб бўлади. Нутқнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги ҳақидаги гап, маълум маънода, нутқ сифатлари ҳақида айтилган мулоҳазаларга яқун ясашдир. Чунки яхши нутқнинг фазилатларини кўрсатиб ўтиш, нутқда учрайдиган айрим типик хатоларни таҳлил этишда натижада таъсирчан бир нутқни шакллантиришга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Жуманов И. Нутқ санъати / Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Т., 2007
2. Саидов У. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати / – Т.: Академия, 2007
3. Хожиматова М. Нутқ санъати / –Т., Янги аср авлоди, 2011.
4. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

[www.edu.uz](http://www.edu.uz)  
<http://uzbektourizm.uz/> -

2012.1 <http://uzbektourizm.uz/> -

2012.1 <http://uzbektourizm.uz/> -

.